
Давлат ижтимоий буюртмаси танлови эълон қилинади

Халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгаши ҳузуридаги жамоат фонди 2024 йилда ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўртасида муҳим ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга оширишга давлат ижтимоий буюртмаларини тақдим этиш учун танлов эълон қилади.

1. Фарғона вилояти олий таълим, фан ва инновациялар бошқармаси - Фарғона, Бешариқ, Ўзбекистон ва Сўх туманларида фаолият олиб бораётган касб-ҳунар мактабларида “Асаларичилик” йўналиши бўйича ва Фарғона, Марғилон, Қувасой, Қўқон шаҳарлари ҳамда Бувайда, Данғара ва Фурқат туманларида “Сартарошлик” касби бўйича қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил этиш орқали қўшимча касб-ҳунар бериш. Буюртманомага 220 миллион сўм маблағ ажратилади.

Ҳужжатларни қабул қилиш 2024 йил 21 август кунидан 23 сентябрь кунигача (шанба ва якшанба кунларидан ташқари) ҳар куни соат 9:00 дан 16:00 гача қабул қилинади.

Маълумот учун телефон: 93 732-77-87, 99 002-75-00

Танловда қатнашиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар ҳамда танловнинг бошқа шартлари билан батафсил танишинг.

2024-08-21 11:41:48